



20 20 у « 6 » апрель

№ Қ-156

« ___ » _____ 20__ г

Жарқўрғон тумани Н.Боймуродов
массиви “Исмоилтепа” маҳалласи
худудидан “PULATOV KAMOLIDDIN”
хусусий корхонасига “Иссиқхона”
ташкил этиш учун ер майдони ажратиш
тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 03 апрелдаги 05-02/174-сон йиғилиш баёни ва Жарқўрғон тумани ҳокимининг 2020 йил 16 мартдаги 45/05-29-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 03 апрелдаги 05-02/174-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Жарқўрғон тумани Н.Боймуродов массиви “Исмоилтепа” маҳалласи худудидан “PULATOV KAMOLIDDIN” хусусий корхонасига туман ҳокимлиги заҳирасидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 645қ-дала контуридан тупрок унумдорлиги 43 балл бонитетли жами 1,0 гектар суғориладиган экин ер майдони “Иссиқхона” қуриш учун доимий эгалик қилиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “PULATOV KAMOLIDDIN” хусусий корхонаси раҳбари К.Пўлатовга: ажратилган ер майдонидан фақат иссиқхона ташкил этиш учун фойдаланиши;

мақсадсиз фойдаланганда ажратилган ер майдони туман ҳокимлиги заҳирасига қайтариб олинishi кўрсатиб ўтилсин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Жарқўрғон тумани ҳокимлиги (З.Давлатов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Х.Саматов ва А.Ориповлар зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов